



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 4 январь, шанба

№2 (11.493)

Эркин нарҳда сотилади

2003 йил – Обод  
маҳалла йили

## ВАТАН ИЧИДАГИ ВАТАН

Кексалар маҳаллага Ватан ичидаги ватан, деб таъриф берадилар. Дарҳақиқат, бу билиб айтилган сўзлар замирида кўп маъно мужассам. Маҳалла қанчалар кўркам бўлса, шу юрtnинг қудрати, бойлигидан нишона.

Истиклолимизнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз маҳаллалар фаолиятига жиддий эътибор қаратдилар. Уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, жамиятимизда тугган (Давоми 2-бетда).

Қишлоқ қандай  
ўтмоқда?

## СУТНИНГ КЎПАЙГАНИ МОЛНИНГ ТЎҚЛИГИ

Республикамизда чорва қишлоқчининг умумий муддати раъмон олти ой, яъни 180 кун қилиб белгиланган. Бу октябрь-март ойларини ўз ичига олади. Демак, ҳозир қишлоқ авжи нуқтасига чиққан пайт. Хўш, у қандай ўтмоқда?

Чорва қишлови яхши ёки ёмон кечаётганини асосан сут етиштиришнинг кўпайгани ёки озайганига қараб аниқлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, айтиш мумкинки, вилоятимизда қишлоқ жараёни аввалги йиллардагига нисбатан анча дуруст ўтмоқда. Чунончи, ҳозир вилоятимизда жами 62 минг 816 бош қорамол, шу жумладан, 21 минг 602 бош сизир боқилапти. Сизирлар ўтган даврдагига нисбатан 281 бошга кўпайгани ҳам чорвачиликка жойларда эътибор кучаяётганини билдиради. Шу боис сут етиштириш бир йилда қарийб 1300 тоннага кўпайди.

(Давоми 3-бетда).

Долзарб мавзу

# ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Тошкент вилоятида Республика Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини ижро этишга фаол киришилди.

Эътироф этиш керакки, мамлакатда спортни кенг омалаштириш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш аллақачон ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони бу йўлда қўйилган яна бир янги қадам бўлди.

Бу бежиз эмас. Зеро, бу ерда гап фақат спорт ҳақида бораётгани йўқ. Муҳими шундаки, келажақ авлод жисмонан соғлом, маънавий етук, хуллас, ҳар томонлама баркамол бўлмоғи лозим. Чунки, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг қай даражада салоҳиятли эканлигига бевосита боғлиқдир. Республика Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг мақсад ва моҳияти ҳам шунда.

29 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Юртбошимиз Ислам Каримов бошқарган ушбу жамғармани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга бағишлаб ўтказилган мажлисда ҳам республикамизда болалар спортини ривожлантириш навбатдаги компанияга айланиб қолмай, жойлардаги мавжуд шарт-шароитлар ва барча имкониятлар аниқ ҳисобга олинган ҳолда пухта ўйлаб тузилган режа асосида олиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бунинг учун ҳар бир вилоят ва туман ҳокимлари тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари билан бирга жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни ўз кўзлари билан кўришлари, шароит ва имкониятларни атрофлича ва чуқур ўрганишлари, энг муҳими тўғри хулоса чиқариб, бугун ёки эртанингига эмас, келажакни ўйлаб, аниқ ва пухта режалар тузиб, амалий ишга киришишлари лозим. Айтиш мумкинки, Тошкент вилоятида ана шундай амалий саъй-ҳаракат ҳозирданоқ бошлаб юборилди.

Хусусан, вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов раҳбарлигидаги махсус гуруҳ олдиндан аниқ белгилаб олинган йўналишлар бўйича туман ва шаҳарларга чиқиб, вазиятни ўрганишга киришди. Гуруҳ таркибида ҳокимнинг ушбу масалага бевосита алоқадор ўринбосарлари, ҳокимликнинг тегишли бўлим ва бошқармалари раҳбарлари бор.

Кеча ушбу гуруҳ аъзолари Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ ва Янгийўл туманларида бўлишиб, бир қатор мактаб ва қишлоқлардаги мавжуд спорт заллари ва ўйингоҳларининг аҳволини кўздан кечирдилар, мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргандилар. Шу билан бир вақтда махсус жамғарма тузишдан

ва умуман, болалар спортини ривожлантиришдан қутилаётган асосий мақсад атрофлича тушунтирилди. Чунончи, жойларда кўпчилик тасаввур қилаётганидек, бу ерда гап фақат мактаб спортини эмас, умуман болалар спортини ривожлантириш, яна ҳам лўнда айтганда, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни спортга оммавий жалб этиш ҳақида борапти. Масалан, бугунги кунда ўрта таълим мактабларида ҳафтасига икки мартагина жисмоний тарбия ва спорт дарси ўтилади. Хўш, қолган вақтларда болалар қаерда қолади, нима билан банд бўлади? Суҳбат чоғида ана шу ва бошқа муаммоларнинг энг мақбул ечимини топиш юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилди.

Шуни айтиш керакки, болалар спортини ривожлантиришда асосий масъулият маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари зиммасига тушади. Чунки, мақсад нафақат ўқув муассасалари, балки ҳар бир қишлоқда спортнинг оммавий турлари билан бема-

лол шуғулланиш имконини берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этишдир. Ҳатто, энг олис ва чекка қишлоқлар ҳам бундан мустасно бўлмаслиги керак. Айнан шу ўринда вилоятдаги банк муассасалари, ҳар бир корхона, ташкилот ва ҳўжаликлар ушбу режаларни амалга оширишда четда қолмасликларини керак. Қолаверса, бу уларнинг ватанпарварлик бурчлари бўлади.

— Лекин, Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз таъкидлаганларидек, — деди Умнат Мирзақулов, — жойларда болалар учун спорт иншоотларини қуришда пала-партишликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу муҳим иш илмий асосланган замонавий лойиҳалар асосида, режали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, жойларда спорт залларини бошбошдоқлик ёки ҳашар йўли билан номига қуриш ярамайди. Улар янги тузилган мукамал лойиҳалар бўйича, тегишли қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилиб, давр талабига мос ҳолда кийим алмаштириш ва ювиниш хоналарига эга бўлиши, ҳар бир ҳудудда ўзига хос меъморий услубда қурилиши керак. Вилоятда айна пайтда ана шундай янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятимизда Президент Фармонининг ижроси йўлида дастлабки қадамлар қўйила бошланди.

Шу муносабат билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси болалар спортини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни махсус руқн остида мунтазам ёритиб боради.



## Бугунги сонда:

### ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Кеча Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги Рамадон маҳалласида қуриб битказилган, бир йўла 50 кишига хизмат қила оладиган янги шифо маскани фойдаланишга топширилди.

2-бет

### ШУ КУННИНГ ГАПИ

Ўзбекмиз юз амри ширин, андиша, ҳаё деган тушунчалар мавжуд. Бирок, кунун, инсон ҳуқуқи қаби тушунчалар ҳам бор.

3-бет

### ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Вилоятимизда маҳалла посбонларининг 756 та жамоат тузилмалари мавжуд. Уларда 2881 посбон профилактика инспекторлари билан ёнма-ён хизмат қилмоқда.

6-бет

### ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Келаси йили АКШда навбатдаги президент сайлови бўлиб ўтади. Оқ уйнинг янги соҳиби бир йилдан кейин маълум бўлса-да, Вашингтонга умид қузи билан қараётганлар ҳозирданоқ қўрина бошлади.

7-бет

### ЗУЛУК

Шорасул шу аснода бўсағала худди илон сеҳрагандек, оғзини очиб, қулоғи том битганча, ҳечвақони эшитмай қотиб турар. Мамарайим эса, тунги воқеага мослаб, гапга тўн қийдиради, унао жойдан қуруқ қайтмаслик таралдудини қўрарди.

8-бет



## 2003 йил — Обод маҳалла йили

ўрни ҳақида гапириб, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барақа ҳукмрон бўлган жой, деб халқимиз тасаввур этишини таъкидладилар. Шуниси қувончлики, давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2003 йил — Обод маҳалла йили деб эълон қилинди.

— Бизнинг ҳам кўнглимиздаги гап бўлди, — дейди Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳалласида яшовчи кўп болали она Сурайё Солиева. — Маълумки, халқимизда маҳалла-кўй аралашувисиз бирон тadbир ўтмайди. Келгуси йил Обод маҳалла йили, деб эълон қилиниши эса, кўчалар, хонадонларимизга яна файз киради, дегани. Ахир, четдан келган одам маҳалла ободончилигига, саранжом-сарихталигига қараб баҳо беради. Шундай экан, унинг доим гўзал бўлиши, қишин-ёзин озода туриши ўзимизнинг обрўйимиз. Фаоллар бош бўлиб, вақти-вақти билан ҳашар уюштиришса, албатта биз ҳам қараб турмаймиз.

Элим деб, юртим деб яшаётган инсонлар юртимизда оз эмаслигига қайта-қайта шукроналар айтсак, арзийди. Уларнинг астойдил ҳаракати, ҳалол меҳнати ва ибрати билан диёримиз йил сайин чирой очиб, кўркемлашмоқда. Шундай инсонлар ҳақида гап кетганда, Зангиота туманидаги Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солихўжа Норхўжаев тўғрисида ҳам мароқ билан узоқ ҳикоя қилиш мумкин.

У раис бўлганидан кейинги ўтган уч-тўрт йилда фуқаролар йиғини ҳудудидаги еттига маҳаллада кўп ишлар амалга ошди ва амалга ошмоқда. Янги турар-жойлар газлаштирилди, ўнлаб хонадонлар ичимлик суви билан таъминланди. Табаррук зиёратгоҳ ва қадимий мукамал таъмирланди. Зиёратчилар учун меҳмонхоналар қурилди. Ундан ташқари бу са-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ховатли тadbиркорнинг шахсий маблағи ҳисобига 34-мактаб ёнида кўшимча синф хоналари қад кўтарди. Қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ишга туширилди. Шунингдек у кичик корхоналар ташкил этиб, ўндан зиёд одамни ишга

лади. Айниқса, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг тўйи, маърақаси унинг иштирокисиз ўтмайди.

— Олдинда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп, — дейди Солихўжа ака. — Шулардан бири улуг аждодимиз — Хўжамозор

ликни ёки янги қурилишларни тушунмаслик керак. Ҳар томонлама камол топган, миллий қадриятлар ўзида акс этган, ёшлари қалбига иймон-эътиқод, Ватанга муҳаббат, садоқат тушунчалари сингдирилган маҳаллага ҳақиқий маънода ободдир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда баъзи шухратпарастлар дабдабали тўй ўтказиб, ўзини кўрсатишга интилишига алоҳида тўхталди. Яшириш не ҳожат, киши дилини ранжитадиган бундай ҳолларни баъзан бўлсада, кўрамиз, эшитамиз. Нопок топилган пуллар базмларда ҳазондек созурилади. Кейин айрим хушомадгўй ҳайбаракаллачилар эса, «фалончи бойваччага қойил, шунча юз кило ош дамлади, шунча қоп ўндан нон ёғдирди», деб унинг «довруғини» оғиз кўпиртириб оламга ёйишади. Лекин, ноз-неъматларнинг уволани, исрофгарчиликни ўйлашмайди. Бундан кўринадики, маҳалла кўмиталари раҳбарлари, фаоллари шу каби нохуш иллатлар такрорланмаслиги учун жиддий чоратadbирлар кўришлари зарур. Токи, мен ўндан қоламани, дейдиганлар учрамасин.

Хулоса шунки, Юртбошимизнинг юқоридаги нутқи ҳам барчамиз учун ҳаётимиз дастурига айлансин. Топган-туганимиз яхши кунларга бюрсин десак, уни фарзандларимиз мукамал билим олишига, яхши еб, яхши кийинишига, оиланинг бошқа заруратларига сарфлайлик. Отанг маҳалла, онанг маҳалла, дейишади кексалар. Шундай экан, улар насихатига амал қилиб, оқсоқоллар фикрига қулоқ тутсак, ўғитига амал қилсак, келажак ҳаётимиз бунданда фаровон, тўқис бўлиши шубҳасиз.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ВАТАН  
ИЧИДАГИ  
ВАТАН

жойлаштирди. Мустақиллик байрами арафасида эса, кўзи ожизларнинг суннат ёшидаги фарзандларига тўй қилиб, сарупо кийдирди. Унинг фаолиятида бундай мисоллар кўп. Интилган ҳаммасига улгуради дейдилар. Оқсоқол 15 мингдан зиёд аҳолининг қандай яшаётгани, ким қандай ёрдамга муҳтожлигини яхши би-

бува дафн этилган жойни зиёратгоҳга айлантириш ишларини келгуси йилда ниҳоясига етказишди. Кейин зиёратгоҳ атрофини кенгайтириш мақсадида тўртта хонадонга бошқа жойдан барча шароитларга эга уйлар тиклаб берамиз.

Яна бир мулоҳаза. Обод маҳалла деганда, фақат ободончи-

## ХИЗМАТГА МУНОСИБ ҲУРМАТ

Оққўрғон туманида 2002 йилда маънавият-маърифат, маданият, спорт соҳаларида хизмат қилиб, катта ютуқларга эришган голиблар, шунингдек, бир қатор спорт мураббийларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Хусусан, ўтган йили туман спортчилари Республика, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатна-

шишди. Шулар қаторида «Уста Нормат» футбол жамоаси ҳам бир қанча зафарларга эришди. Тadbирда адабиётчилар ва

санъаткорлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти туман номзодлари ҳам тақдирланди. Уларга маҳаллий тadbиркорлар, «Дилбар», «Шодлик» хусусий фирмаларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

НУРОНИЙЛАР  
НАБИРАЛАР НИГОҲИДА

Халқ таълими вазирлиги, «Ўзтелерадиокорпорация» ва «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан «Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида» мавзудаги кўрик танлов ўтказилди.

Кўрик танловнинг асосий мавзуи қарияларни кадрлаш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, унда болажонлар асосан ўзларининг бува-юбувижонларини неваралари даврасидаги суратларини ва гўзал табиат манзарасини тасвирлаганлар.

«Туркистон-пресс».

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ  
— ЭЛ ТОТУВЛИГИ

Чиноз тумани ҳокимлигида Обод маҳалла йили муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ҳокимлик тизимидаги идораларнинг мутасаддилари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

Йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари куйи тизими — маҳаллалар, уларнинг жамиятдаги ролини янада кучайтириш, бу борада йил давомида амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга аниқ вазифалар юкланди.

## Истиқлол иншоотлари

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ  
ШИФОХОНА

Мустақиллик йилларида шаҳарларгина эмас, қишлоқлар ҳам йилдан-йилга обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Элга маданий-маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар ишга тушириляпти.

Кеча Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Рамадон маҳалласида қуриб битказилган, бир йўла 50 кишига хизмат қила оладиган янги шифо маскани ҳам бунга мисол бўла олади.

Бу ерда яратилган қулайликлар, имкониятлар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналарни кўриб, кўз қувнайди. Кираверишда ўнг тарафда нуруний отахоннинг сурати осиб кўйилган ва тагига Али Умаров деб ёзилган.

— Али ака қишлоғимизнинг ардоқли шифокорларидан эди. Кеча-кундуз, тиним билмай ишлар, халқнинг соғлиғи тўғрисида ўйларди. Зарур бўлса, ҳеч иккиланмай, оғринмай, узоқ қишлоқларга ҳам яёв бориб ке-

ларди. Биз ҳам шу кишига ўхшашга, уларнинг изларидан боришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейишади шифокорлар.

— Бу ерда меҳнат қилаётган йигирмадан ортиқ олий тоифадаги шифокорлар асосан қишлоғимиздан етишиб чиққан, — дейди хўжалик раҳбари Маҳмадхон Усмонов. — Мен аминманки, улар сидқидилдан хизмат қилиб, ўз бурчларини оқлайдилар. Худуддаги иккинчи бу шифохона ниҳоятда тезкорлик ва айна пайтда тежамкорлик билан бунёд этилди. Ўтган йилнинг май ойида бошланган қурилиш январда тугаланиб, бугун фойдаланишга топширилди. Мўлжалдаги 117 миллион ўрнига 78 миллион сўм сарфланди.

Носир РИХСИЕВ.

## ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Ангрен шаҳрида саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига оид маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди.

Унинг иштирокчилари 2002 йил якунларини таҳлил қилиб, 2003 йилда саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқишди. Чунончи, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ва мактаб биноларини қайта таъмирлаш, шунингдек,

«Тошкент — Ўш — Еркакшом» йўлининг шаҳар ҳудудидаги қисмида ободонлаштириш ишларини жаддаллаштириш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу амалий тadbирларни бажаришнинг молиявий имкониятлари кўриб чиқилиб, шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ва мактаб биноларини қайта таъмирлаш, шунингдек,

Ўз мухбиримиз.

Республика кўчмас мулк биржасининг  
Тошкент вилояти филиалида

ўтган ҳафтада, 1 та ким ошди савдоси ва 4 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида Қибрай туманида жойлашган 2 та ер майдони, Чиноз туманида жойлашган 7 та ер майдони, Қуйичирчиқ туманида жойлашган 7 та ер майдонлари жами 1649000 сўмга сотилди.

Биржа савдосида 28 та нодавлат автотранспорт воситаси жами 5505000 сўмга, 9 та асбоб-ускуналар жами 5792875 сўмга, 1 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бизнеси 75000 сўмга, 1 та давлат ва 1 та нодавлат кўчмас мулк объекти 5573700 сўмга сотилди.

Бундан ташқари, Янгийўл шаҳри, «Тонг» даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи, 400 кв.м бўлган № 3, 3 А ер майдонларига нисбатан савдо натижалари беқор қилиниб, қайтадан ким ошди савдосига чиқарилди.

ТАНТАНАЛАР  
ДАВОМ  
ЭТМОҚДА

Кичкинтойларимиз учун ташкил этилаётган Янги йил арча байрами тантаналари қизгин давом этапти.

Жумладан, Чирчиқдаги Офицерлар ва Оққўрғон туманидаги Маданият уйларида ясатиғлик арчалар атрофидаги ўйин-кулгилар, шодиёналар болажонларга олам-олам шодлик ва қувонч бағишлади. Байрамга 200 дан ортиқ кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилиб, уларга турли-туман янги йил совғалари улашилди.

Ўз мухбиримиз.

КИЧКИНТОЙЛАР  
ҚУВОНЧИ  
ЧЕКСИЗ

Вилоят умумтаълим мактабларида ҳам янги йил байрами тантаналари давом этмоқда.

Хозиргача шаҳар ва туманлардаги 250дан зиёд мактабда бошланғич синф ўқувчилари учун арча байрамлари ўтказилди. Айниқса, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан отанасиз ва ногирон болалар учун уюштирилган байрам кечалари кичкинтойларга чексиз қувонч бағишлади.

БОЛАЖОНЛАР  
ШОДЛИГИ УЧУН

Пойтахтдаги «Ўз-кўргазмасавдо» савдо мажмуида болажонлар учун байрам тadbирли ўтказилмоқда.

Байрам тadbирларида эстрада хонандалари, «Умид юлдузлари» фестивалининг лауреатлари, турли болалар гуруҳлари катнашчилари иштирок этаётди. Тadbирнинг яна бир ўзига хос жиҳати, болажонлар Қорбобо совғасига эга бўлиш билан бирга, ўйин голибларига айланишлари мумкин. Берилаётган ҳар битта совганинг ичида лоторейя чиптаси мавжуд. Чипта 10 январь куни ўйналади.

«Туркистон-пресс».



**Қишлов қандай ўтмоқда?**

Аммо, бундай ўсишни фақат сигирларнинг кўпайгани билан боғлаш ўринли бўлмайди. Қувончлиси шундаки, ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш ҳам 320 килограммга ўсди. Бу эса қишловнинг соз ўтаётганини белгиловчи асосий кўрсаткичдир. Бу борада Окқўрғон тумани вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришди. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бош сигирнинг сутини ўртача 411 килограммга кўпайди. Тошкент, Зангиота, Қуйичирчиқ туманларида ҳам ўсиш сезиларли бўлди.

Айрим хўжаликлар вилоят бўйича сут етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Масалан, Қибрай туманидаги «Байтқўрғон», «Шалола», Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжаликларидан сигирларнинг сутини ўртача 410 килограммдан 553 килограммгача кўпайтиришга эришилди. Зангиота ва Тошкент туманларида, шунингдек, ўнлаб хўжаликларда сигирларнинг махсулдорлиги 2400-2500 килограммга кўтарилди.

Бироқ, сигирлар сутини кўпайтиришининг ва айниқса, қиш даврида камайтириб юбормасликнинг ўзи бўлмайди. Бу биринчи галда жамғарилган жами дағал ва ширали озуқаларнинг миқдорига, уларнинг хилма-хиллиги ва сифатига боғлиқдир. Чорва қишловининг қандай ўтишини белгиловчи, тўғрироғи, ҳал қилувчи омили ҳам шу. Зеро, «сигирнинг сутини — тилида», деб бежиз айтилмайди. Мол тўйиб есагина махсулдорлигини пасайтирмайди, қишловдан беталафоти чиқади. Демак, озуқа базасини мустақамлаш, қишлов учун етарли ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

сифатли озуқа жамғариш чорвачиларни барқарор йўлга қўйишининг ҳал қилувчи шартидир.

Вилоят бўйича қишлов муваффақиятли ўтаётганлигининг асосий сабаби шундаки, ўтган мавсумда аксарият туман ва хўжаликларда озуқа жамғаришга жиддий эътибор берилди, талаб ва назорат кучайтирилди. Натижада қишлов бошлангунга

Кўриниб турибдики, қишловга жамғарилган озуқа бирлиги ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан талабга тўла жавоб беради.

Айниқса, дағал озуқа ҳар доимгидан мўл бўлди. Масалан, режадаги 192,6 минг тонна ўрнига 255,7 минг тонна, шу жумладан, пичан ўтган қишловдагидан 16 минг тонна, сомон белгиланганидан 70 минг тонна кўп тайёрланди. Лекин, сигирлар сутини кўпайтирадиган озуқа силос ва сенаж ҳисобланади. Шу боис бу ширали озуқа турларини ҳар йилдаги нисбатан иложи борица кўпроқ бостиришга ҳаракат қилинди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бир қатор туманларда ва умуман вилоятимизда чорва қишлови муваффақиятли ўтмоқда. Қолаверса, қорамоллар туёғини, шу жумладан, сигирлар сонини кўпайтириш, сут етиштириш ва моллар

қадар қорамоллар сонига қараб режалаштирилган 131,3 минг тонна ўрнига амалда 134,2 минг тонна озуқа бирлиги миқдоридан эм-хашак жамғаришга эришилди. Ваҳоланки, ўтган қишлов мавсуми учун 117,9 минг тонна озуқа бирлиги миқдоридан тайёрланган эди.

Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш жоиз. Асосийси жами қанча озуқа жамғарилгани эмас, балки, бир шартли бош қорамол ҳисобига тайёрланган озуқа бирлигидан. Бу борада режа ҳам вилоятда муваффақиятли уддаланди. Агар аввалги мавсумда бу кўрсаткич 15,7 центнер озуқа бирлигига тўғри келган бўлса, бу мавсумда 17,5 центнерга кўтарилди. Бутун қишлов даври учун белгиланган метёр бўйича бир қорамолга 17-18 центнер озуқа бирлиги тўғри келиши керак.

лар махсулдорлигини ошириш, қишловга дағал ва ширалдор озуқалар жамғариш бўйича вилоятимиз республикада энг юқори ўринлардан бирига кўтарилди. Аммо, бунга ортиқча баҳо бериб, хотиржамликка берилиш эришилган ютуқларни йўққа чиқаришга олиб келиши ҳеч гап эмас. Чунки, қишловининг ойи ҳали олдинда турипти. Айниқса, чорвадорларни қатъий синовдан ўтказадиган қирқ кунлик қиш чилласи энди бошланди. Шундай экан, масъулиятни янада ошириб, жамғарилган озуқа захирасидан самарали фойдаланиш чораларини кўрмоқ навбатдаги асосий вазифадир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

**СУТНИНГ КЎПАЙГАНИ МОЛНИНГ ТЎҚЛИГИ**



**Газета ва газетхон**

**ЯХШИ КЎМАҚДОШИМИЗ БЎЛСИН**

Сал кам йигирма йил пойабзал корхоналарида ишладим, тажриба ҳам орттирдим. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар очилганидан сўнг хусусий ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўл урдим. Тошкент туманидаги Фиёс Умаров номли ширкат хўжалиги худудида шахсий фирма очиб, унда асосан эркаклар оёқ кийимларини тайёрлашни йўлга қўйдик. Ўн нафарга яқин ишчиларни бирлаштирган жамоамиз кўлидан чиқаётган пойабзалларга буюртмалар ортиб бораверди. Шунинг учун уни кенгайтириб, 2002 йилдан «MENS SHOES» белгиси билан махсулот ишлаб чиқаришга рухсат олдик. Ҳозир ҳар ойда 150-200 жуфтдан ўндан ортиқ турдаги оёқ кийимларни тайёрляемиз. Уларга бир йил кафолат муддати ҳам берилмоқда. Фирма ҳали жуда ёш. Шу-

нинг учун биз сеvimли газеталаримиздан бири «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида «Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиётимиз келажаги» рўкни остида босилаётган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига оид мақола-хабарларни қанда қилмай ўқиймиз. Улардан муайян янгиликларни ўрганаемиз. Фирмамизда янги ишлаб чиқариш қувватларини ҳам барло этиш режамиз бор. Бу оёққа туриб олиб, фаолиятини муваффақиятли олиб бораётган тадбиркорлик фирмалари иш тажрибасини янада чуқур ўрганишни тақозо этади. Шунинг билан ҳам бирга, газета саҳифаларида ана шундай мазмундаги мақола ва хабарлар янада изчил ёритилишини истар эдик. Бу кейинги фаолиятимизга албатта ёрдам беради.

**Риҳсибой МАЖИДОВ,**  
«MENS SHOES» хусусий фирмаси раҳбари.

**УМИДЛАРИМИЗ КАТТА**

Бугун юртимизда маориф соҳасига, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришга эътибор тобора кучайиб бораёпти. Бу борада турли дастурлар қабул қилинмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эса, халқ таълими соҳасида асосий ҳужжатдир.

Бир газетхон сифатида шуни истардимки, газетангиз саҳифаларида ана шу дастурнинг ижроси, умуман, халқ таълими соҳасида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ишга тўсиқ бўлаётган муаммо, камчилик ва қийинчиликлар, уларнинг ечимини ҳақидаги чуқур, таҳлилий мақолалар мунтазам равишда ёритиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Янги йилдаги ижодий ишларингизда ҳамisha сизларга муваффақият ёр бўлсин!

**Насиба ҒОҒУРОВА,**  
Ангрен шаҳридаги 28-умумтаълим мактабининг раҳбари.

**Оммавий ватанпарварлик ойлиги**

**«ҚАРИНИНГ СЎЗИ — ҚОННИНГ КЎЗИ»**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши тасарруфидидаги ўқув муассасаларида ўтган тадбирлар ана шу мавзуга бағишланди.



Айниқса, Келес, Чирчиқ автомобил мактаблари, Бўстонлик, Зангиота, Паркент спорт-техника клубларидаги уч авлод ўқувчилари ёшларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Уларда эл-юртга меҳнат сингган ҳурматли кексалар ва ёшлар, автомобил мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

Ватанпарварлик, мустақилликка садоқат мавзусидаги жонли суҳбатлар, кексаларнинг ибратли ҳикоялари бу тадбирлар сермазмун ўтишига хизмат қилди.

Ўз мухбиримиз.

**Мулоҳаза**

Яқинда бир шикоят изидан Қибрайда бўлдик. Чин-абод қишлоғининг Ойбек кўчасида яшовчи Тўхтаназар Хоназаровнинг ёзишича, у «Нурота» ширкат хўжалиги худудидан 8 сотихлик ер участкаси олган. Унинг қўшнилари Тўланбой Отабоев билан Мухсин Мирзахмедовлар ҳам ана шу ўлчамдагилар эгалари бўлишлари лозим эди. Аммо, кўча учун ажратилган қарий 2 сотихдан ошиқроқ ерни ўзбошимчилик билан хат-ҳужжатсиз ўз томорқаларига қўшиб олиб, пахса девор тортганлар.

Т. Хоназаровнинг ёзма ариза-сига биноан маҳаллий ҳокимлик ва ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан бу иш бир неча бор ўрганилиб, қонунбузарлар бир ой ичида деворни бузишлари, белгиланган ердан девор тортишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирилган эди. Бу ҳам фойда бермагач, иш судга оширилди. Лекин, ханузгача бирон натижа бўлганича йўқ...

— Бу каби ҳолатлар, кишиларнинг қонунни билмасликларими ёки уни менсимасликларими? — Хоназаров шу саволга жавоб излайди. Ҳар ҳолда, қаерда қонун бузилса, шу ерда ишончсизлик, норозилик келиб чиқади.

Аслида юқоридаги шикоятни кимлардир назар-писанд қилмасликлари мумкин. Шунга ҳам ота гўри — қозихонами, 2 сотих ер билан давлат камбағал бўлиб қолармиди, кимдир фойдаланса фойдаланибди-да, дегувчилар ҳам топилади.

Тўғри, ўзбекмиз, юз амри ширин, андиша, ҳаё деган тушунчалар ҳам бор. Бироқ, қонун, ин-

**ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ**

сон ҳуқуқи каби тушунчалар ҳам бор-ку. Аслида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ана шундай майда ҳуқуқий унсурларга ҳам эътибордан шаклланиб боради. Андишанинг отини қўрқоқ қўявериш ўз оёғимизга болта уришдек гап.

Кўз ўнгимда ўтган бир воқеани айтиб берай.

Бунга ҳали кўп бўлганича йўқ. Ишдан қайтаётим, маҳалладан кириб бораёпман. Биздан уч-тўрт хонадон бериди яшовчи Эгамберди аканинг уйи атрофида одамлар тўпланган. Аввал гап нимада эканлигини тушунмадим. Яқинроқ борганимда воқеа аён бўлди. Маҳалламизда яшовчи Шухрат исмли йигитнинг катта «МАЗ» юк автомашинаси уйга бориб урилган. Чунки у

маст ҳолатда машинани бошқараётган эди. Натижада девор ағдарилган. Уй бекаси Ҳалима аяга қаттиқ жароҳат етган. Етказилган барча зарарлар «каскадёр» шофёр томонидан тўланган.

Шундай бўлсада бўлиб ўтган воқеани таҳлил қилиб кўрсак.

Аслида маст ҳолда автомобил бошқарувига ўтиришнинг ўзи қонун

— Мен ҳали хўроз уйғонмай, бозорга келиб жой олган бўлсам-у, сен келиб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ эга қиқсан, бунинг учун ҳақинг йўқ. Сен савдогарларнинг дастидан дехқонга бозорда кун борми ўзи — йўқми?! Бутун бозорни эгаллаб олгансанлар, — дерди иккинчиси.

— Сенга нима, бу жойни мен сотиб олганман. Дехқон бўлсанг, жойинг далада. Бориб экинингни ўстир. Ҳозир дехқон бозорда ўтирмайди, — дерди ҳалиги олибсотар аёл.

Аслида бозорда бундай жанжалларни кўравериб, кўз ҳам пишиб қолган. Аммо, ҳамisha бепарво ўтамиз. Бир оғиз: «Ҳай, барака топгур, бозорнинг қоида-сига кўра бу ерга ким эрта келса, ўша савдо қилади. Сен кеч келдингми, бориб бошқа жой топ», — дейдиган одам топилмайди. Бозор ходимлари ҳам бундай ҳолатларда муаммони олибсотарлар фойдасига ҳал қиладилар. Бунинг сабаби эса, бизга «қоронғу».

Хуллас, бундай майда-чуйда қонун бузилиш ҳолларига хоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Аммо, уларга барҳам бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак, атрофимизда содир бўлаётган майда-чуйда ҳолатларга безътибор ўтмасак, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

бузилишининг бошланиши эмасми? Қолаверса, «МАЗ» автомобилнинг эгаси умуман бошқа киши бўлган. Шухрат автомобил бошқарувига ўтириш учун ҳақли эмас эди.

Ҳаётда бундай воқеаларга ҳар биримиз кўп дуч келамиз. Аммо, бепарво ўтиб кетаверамиз. Ана шу безътиборлигимиз пировардида салбий ҳолатларни кучайтиради.

Зарурат юзасидан эрта тонгда бозорга бордим. Расталар орасида айланиб юриб, икки аёлнинг жой таллашиб қилаётган тўполони устидан чиқиб қолдим. Бир-бирига гап бермай олишишарди:

— Бу ердан ол, қопларингни, бу «прилавка» менинг жойим, мен савдо қиламан, — дерди улардан бири.



## Dushanba

6

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.40 «Тахлилнома»  
8.40 ТВ маркет.  
8.45 «Камалак».  
Болалар учун кинодас-тур.  
9.25 «Кўхна замин оҳанглари».  
9.40 «Ўзбектеlevision» намоёйиши: «Миздак-хон», «Қиш».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Шуке ва Бэйта».  
Мультсериал премьераси. 8-қисм.  
10.25 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
11.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси

камер оркестрининг концерти.  
11.40 «Озод юрт одамлари».  
Қишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
12.05 1. «Эртактлар - яхшиликка етаклар». 2. «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм.  
13.15 ТВ анонс.  
13.20 «Ошин». Телесериал.  
13.50, 17.30 ТВ клип.  
14.10 «Спорт олами».  
14.40 Кундузги сеанс: «Довжурок Хочбар ҳақида ривоят». Бадий фильм.  
16.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
16.30 «Балли, раислар!» Телесериал.  
17.40 «Қалб гавҳари».  
18.10 «Олтин мерос».

18.30 «Мулқдор».  
18.45 «Бахтли воқеа».  
Телелотерея.  
19.15 «Бир жуфт кўшиқ».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртактлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Сарҳад билмас дўстлик».  
21.30 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
21.50 Кураш бўйича Осиё чемпионати.  
22.10 «Пойдевор».  
Видеофильм. 1-қисм.  
23.00 «Ахборот-дай-жест».  
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар

дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вази-фаси».  
10.25 «Сехрли аждар».  
Мультфильм.  
10.50 Мусиқий лаҳзалар.  
11.00 «Давр» ҳафта ичида.  
11.30 ТВ-анонс.  
11.35 Жаҳон жуғрофия-си.  
12.25 «Давр»-news.  
12.45 «Жюли Леско».  
Сериал. 13-қисм.  
13.35 Олов билан юзма-юз.  
13.50 Кўхна оҳанглари.  
14.00 «Жек ва ловия бадий фильм. 4-қисм».  
14.50 Автосалтанат.  
15.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
15.55 Спорт ҳафтанома-си.  
16.10 «Бировнинг хати».

Бадий фильм.  
17.30 Кўрсатувлар дастури.  
17.35 «Янги авлод» почтаси.  
17.55 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 1-қисм.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Тафаккур ёлқинлари.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ёшлик навалари.  
20.00 Илдиз ва япроқ.  
20.20 Ёшлар овози.  
20.40, 21.15, 22.35 ЭЪЛОНЛАР  
20.45 Ватан ҳимоячилари кўни олдида.  
«Сардор». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
21.20 Ватан ҳақида кўшиқлар.  
21.30 Қишлоқдаги тиндогошим.  
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканал-ида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида - 23.55 Давр.  
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 51-қисм.  
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазета-си.  
18.05 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.30 «Жозиба».

19.40 «Аvto-news».  
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
22.10 «Пойтахт шарҳи».  
22.35 Кинонигоҳ.  
«Қизлар».  
23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

17.40 Кўрсатувлар тартиби.  
17.45 «Вести».  
18.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
18.15 «Москва кўз ёшларига ишонмайди».  
Бадий фильм.  
21.00 «Время».  
21.30 «Бизнес-ревью».  
21.35 «Картуш». Бадий фильм.  
22.55 «Ахборот» (рус тилида)  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## Seshanba

7

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектеlevision» намоёйиши: «Гўзаллик оламида».  
9.10 «Рангин дунё».  
9.40 Кураш бўйича Осиё чемпионати.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Шуке ва Бэйта».  
Мультсериал премьераси. 9-қисм.  
10.25 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
11.15 Мусиқий танаффус.  
11.30 «Олам». Телеальманах.  
Қишки таътил кунлари-

да «Болалар сайёраси»:  
12.05 1. «Оқшом эртактлари»да Янги йил. 2. «Олтин тож».  
13.05 «Пойдевор».  
Видеофильм. 1-қисм.  
13.55 ТВ анонс.  
14.10 Эстрада тароналари.  
14.40 «Мулқдор».  
14.55 Кундузги сеанс: «Бошсиз чавандоз».  
Бадий фильм.  
16.25 ТВ клип.  
16.35 «Ака-ука Гримм эртактлари». Мультсериал.  
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орузи».  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Куйла, ёшлигим».  
19.10 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 ЭЪЛОНЛАР  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртактлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
21.05 «Солиқ ва биз».  
21.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
21.50 «Келин-куёв». Телешоу.  
23.20 Кураш бўйича Осиё чемпионати.  
23.40 «Ахборот-дай-жест».  
24.00-0.05 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар

Мультсериал. 1-қисм.  
10.00 Мусиқий лаҳзалар.  
10.15 ТВ-анонс.  
10.20 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
10.40 «Оби ҳаёт».  
Экологик тележурнал.  
10.55 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
11.25 Ёшлар гиёҳвандликка қарши.  
11.40 «Жюли Леско». Сериал. 14-қисм.  
12.30 Янги йилим - яхши йилим.  
12.40 Ёшлар овози.  
13.00 Интерфутбол.  
14.40 Кўхна оҳанглари.  
14.55 «Ёввойи мушук дарасидан қочиш».  
Бадий фильм.  
16.25 Кўрсатувлар дастури.  
16.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
16.50 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 2-қисм.

17.15 «Таянч».  
17.40 ТВ-анонс.  
17.45 «Меҳнатдан бахт топиб». Ҳужжатли видеофильм («Жаҳон» ахборот агентлиги махсулотли)  
18.20 Автопатруль.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.00 Давр-интервью.  
20.15 Марди майдон.  
20.35, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР  
20.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.  
21.30 Озод юрт фарзандлари.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканал-ида спорт: «Нокаут».  
23.35 Давр.  
23.50-23.55 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 52-қисм.  
17.45, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазета-си.  
18.05 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00; 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Ҳимоя».  
19.20 «Спорт ва болалар».  
19.35 «Мумтоз наволар».  
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла» (яқунловчи)  
21.30 «Туризм ҳақида».  
22.45 Кинонигоҳ. «Ноҳақ айбланган».

24.00-0.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

17.40 Кўрсатувлар тартиби.  
17.45 «Вести».  
18.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
18.15 М. Галкин, Е. Шифрин, Е. Степаненко, Я Арлазоров «Ҳазил кубоги» хажвий кўрсатувида.  
11.00 «Бизнес-ревью».  
21.05 «Уильям Бредфорд». Мультфильм.  
21.30 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги.  
Бадий фильм.  
22.20 «Ахборот» (рус тилида)  
22.55 «Машина ва вақт» гурӯҳининг концерт дастури.  
0.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## Chorshanba

8

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектеlevision» намоёйиши: «Бойсун».  
9.20 «Соз сеҳри».  
9.40 «Портретга чизгилар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Шуке ва Бэйта».  
Мультсериал премьераси. 10-қисм.  
10.25 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
11.15 «Тафсилот».  
11.30 Кураш бўйича Осиё чемпионати.  
11.50 Мусиқий танаффус.  
12.05 «Инсон ва қонун».

12.25, 16.55 ТВ анонс.  
12.30 «Санъатга бахшида умр».  
12.55 «Остонаси тиллодан».  
13.20 «Ошин». Телесериал.  
13.50, 14.30 ТВ клип.  
14.10 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.  
14.40 Кундузги сеанс: «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва аjoyиб саргузаштлари».  
Бадий фильм.  
16.05 «Ягона оилада».  
16.35 «Моҳият». Қишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
17.00 «Сехрли тун».  
Саргузашт кўрсатув.  
18.10 «Истеъмолчи».  
18.30 «Умид». Телелотерея.  
19.00 «Сихат-саломатлик».  
19.25, 19.55, 20.25,

21.00, 22.30 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртактлари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Тараққиёт уфқлари».  
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
21.55 Н. Ахмедова номидagi Республика аёл хонадалари кўрик-танлови голибларининг концерти.  
22.35 «Ахборот-дай-жест».  
22.55-23.00 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар

саргузаштлар».  
Мультсериал. 2-қисм.  
10.00 Давр-интервью.  
10.15 Мусиқий лаҳзалар.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
10.50 Таянч.  
11.15 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
11.55 «Озод юрт фарзандлари».  
12.10 «Жюли Леско». Сериал. 15-қисм.  
13.00 Кўхна оҳанглари.  
13.10 «Ёшлар» телеканал-ида спорт дастури: 1. Нокаут, 2. Теннис.  
14.15 «Меҳнатдан бахт топиб». Ҳужжатли видеофильм.  
14.50 Автопатруль.  
15.10 Болалар экрани.  
«Сехрли аждар Пуф ёлғончилар мамлакатиди». Мультфильм.  
15.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
16.25 «От эгаси». Ш. Холмирзаевнинг

ҳикояси асосида видеофильм.  
16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-тар», «Ҳамма нарсани билишни истайман».  
17.30 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 3-қисм.  
17.55 Ёшлар овози.  
18.15 Чемпион сирлари.  
18.35 Каталог.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Сийрат.  
20.00 Спортлото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.25 Севги тароналари.  
20.40, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР  
20.45 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.  
21.25 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканал-ида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида - 23.55 Давр.  
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 53-қисм.  
17.45, 19.10, 21.40 «Экспресс» телегазета-си.  
18.05 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 20.55, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».  
19.30 «Оила тинчлиги».  
19.40 «Хайрли оқшом».  
20.30 «Ура». Қисқа метражли бадий фильм.

21.15 «Ҳамшаҳарлар».  
22.25 Кинонигоҳ.  
«Санта-Клаус».  
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 7.30-9.00  
17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 «Вести».  
18.10 «Евроњьюс» янгиликлари.  
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Хажвий кўрсатув.  
19.00 Премьера.  
«Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
20.00 «Рус рулеткаси». Телеуйин.  
21.00 «Время».  
21.35 «Бизнес-ревью».  
21.40 Майкл Дуглас «Тошдаги достон» фильмида.  
23.35 «Ахборот» (рус тилида)  
0.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## Payshanba

9

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
Қишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
9.00 «Сехрли тун».  
Саргузашт кўрсатув.  
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар  
10.05 «Алифбо сабоқлари».  
10.25 «Шуке ва Бэйта».  
Мультсериал премьераси. 11-қисм.  
10.45 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
11.35 «Истеъмолчи».  
11.55, 12.25 ТВ анонс.  
12.05 Болалар учун.  
«Санъат гунчалари».  
12.30 «Тараққиёт уфқлари».  
12.50 Н. Ахмедова

номидagi Республика аёл хонадалари кўрик-танлови голибларининг концерти.  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
13.55 ТВ клип.  
14.10 «Озод юрт одамлари».  
14.30 Кундузги сеанс: «Жонли камалак».  
Бадий фильм.  
15.35 «Меҳр қолур».  
15.55 «Ўзбекистон бастакорлари».  
16.15 «Ишонч». Қишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
16.35 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2.

«Бувимдан, бобомдан эшитганларим».  
17.35 «Харита». Халқаро шарҳ.  
18.10 «Биламиз-у, аммо».  
18.30 «Яхши ният».  
Телелотерея.  
19.00 «Инсон ва қонун».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртактлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемулоқот.  
Хориж сармоёси ҳақида.

21.45 ТВ клип.  
21.55 «Эл саломатлиги йўлида».  
22.15 «Пойдевор».  
Видеофильм. 2-қисм.  
23.05 «Спорт, спорт, спорт».  
23.20 «Ахборот-дай-жест».  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар

студияси: «Оқ кабу-тар», «Ҳамма нарсани билишни истайман».  
«Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 3-қисм.  
10.10 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 ТВ-анонс.  
10.25 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)  
11.35 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.

12.10 Ёшлар овози.  
12.30 «Жюли Леско».  
Сериал. 16-қисм.  
9.45 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 3-қисм.  
10.10 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 ТВ-анонс.  
10.25 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)  
11.35 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.



дастури.  
17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».  
17.25 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 4-қисм.  
17.50 Огоҳлик - давр талаби.  
18.05 Иқбол Солиев куйлайди.  
18.25 Табобат оламида.  
18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ёшлик кўшиқлари.  
20.00 «Давр»-интервью.  
20.15 Бегойим.  
20.35, 21.10, 22.35 ЭЪЛОНЛАР  
20.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 4-қисм.  
21.25 Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги «Парвоз». Видеофильм.  
21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.  
1.00-1.05 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 54-қисм.  
17.45, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Болажонлар экранлари.  
18.30, 20.00, 21.00, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Навниҳол».  
19.25 «Камолот фасли».  
19.45 «Эл хизматида».

20.30 Чанг тароналари. «Муסיқа оҳанглари» хужжатли фильмлар.  
21.20 «Умр йўлдоши».  
22.35 Кинонигоҳ.  
«Шарпа оловчилар-1».  
0.10-0.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
БИРИНЧИ КАНАЛ  
7.30-9.00  
17.50 Кўрсатувлар

тартиби.  
17.55 «Вести».  
18.10 «Евроныйос» янгиликлар.  
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
20.00 «Заиф бўгин». Телеўйин.

21.00 «Время».  
21.35 «Бизнес-ревью».  
21.40 Майкл Дуглас «Нил жаҳоҳири» фильмида.  
23.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
0.10 «Ахборот» (рус тилида)  
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

JUMA

10

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи. Кишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Бувимдан, бобомдан эшитганларим».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР  
10.05 «Шукре ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 12-қисм.  
10.25 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
11.15 «Инсон ва қонун».  
11.40 «Ўзлинг намоеън қил». Экранда - Сирдарё вилояти.  
12.05 «Биламиз-у,

аммо».  
12.25 ТВ анонс.  
12.30 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.  
13.00 «Пойдевор». Видеофильм. 2-қисм.  
13.50 ТВ клип.  
14.10 Телемулоқот. Хориж сармоясига ҳақида (такрор.)  
14.50 «Спорт, спорт, спорт».  
15.05 Кундузги сеанс: «Прерия». Бадий фильм.  
Кишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
16.35 1. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 2. «Цирк, цирк, цирк».  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Ажаб саодат эрур».  
18.30 «Истеъдод».  
18.50 «Тафсилот».  
19.05 «Зиё» студияси

намойиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Долзарб мавзу.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Сийёсат оламида».  
21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти.  
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк марафони: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.30 «Йўл бошида».  
22.50 Кураш бўйича Ўзбекистон кубоги.  
23.10 «Ахборот-дайжест».  
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».  
9.40 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 4-қисм.  
10.05 «Давр»-интервью.  
10.20 Муסיқий лаҳзалар.  
10.30 ТВ-анонс.  
10.35 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
10.55 Ёшлар овози.  
11.15 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 4-қисм.  
11.45 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.  
11.55 «Жюли Леско». Сериал. 17-қисм.  
12.45 Қўшна оҳанглари.  
13.00 Интерфутбол.  
14.40 Бегойим.  
15.00 Болалар экранлари.  
«Қизалок, кинода ўйнашни хоҳлайсанми?»  
16.15 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.  
16.40 «Қаҳқаҳа» театр-

студияси тақдим этади: «Биринчи хангома».  
17.05 Кўрсатувлар дастури.  
17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»  
17.30 «Қиролликдаги саргузаштлар».  
Мультсериал. 5-қисм.  
17.55 ТВ-анонс.  
18.00 Дунё ажойиботлари.  
18.20 Ёшлар овози.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 «Ёр ишқи». Муסיқий дастур.  
19.50 «Давр» нигоҳи.  
20.10 Ҳандалак.  
20.35, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР  
20.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 5-қисм.  
21.30 Аскар мактублари.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».  
0.10 Давр.  
0.25-0.30 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 55-қисм.  
17.45, 19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Болажонлар экранлари.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Радиус-XXI».  
19.40 «Аёл қалби».  
19.50 «Муסיқий танаффус».  
20.30 «Бир кулишайлик».  
21.30 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.

23.05 Кинонигоҳ. «Шарпа оловчилар-2».  
0.35-0.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
БИРИНЧИ КАНАЛ  
7.30-9.00  
17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 «Вести».  
18.10 «Евроныйос» янгиликлари.  
18.25 Хужжатли детектив.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
19.55 «Мўъжизалар майдони».  
21.00 «Время».  
21.35 «Бизнес-ревью».  
21.40 О. Янковский «Мени кўргани кел» фильмида.  
23.40 «Ахборот» (рус тилида)  
0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Shanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи. Кишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа.  
2. «Цирк, цирк, цирк».  
10.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».  
10.25 «Шукре ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 13-қисм.  
10.45 Кураш бўйича Ўзбекистон кубоги.  
11.05 «Йўл бошида».  
11.25, 15.30 ТВ анонс.  
11.30 ТВ-1 кинотеатри: «Кўркув». Бадий фильм. 1-қисм.  
12.50 «Театр ва муסיқа».  
13.15 «Кўркув». Бадий фильм. 2-қисм.

14.40 «Маърифат». Телеальманах.  
15.00, 16.50 ТВ клип.  
15.10 «Адабий жараён».  
15.35 «Рақслар гулдасаси».  
16.00 «Ягона оилада».  
16.30 «Рангин дунё».  
17.00 «Бахтимизга омон бўлинг».  
17.20 «Маҳалламиз стадиони».  
17.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
Кишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
18.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
19.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Янги йил базми».

22.40 Телевизион миниатюралар театри.  
23.10 «Ахборот-дайжест».  
«Тунги ёғду»:  
23.30 «Ўпқон». Бадий фильм. 1-қисм.  
0.40-0.50 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»  
9.20 Табобат оламида.  
9.40 Ёшлар овози.  
10.00 Муסיқий лаҳзалар.  
10.10 ТВ-анонс.  
10.35 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 5-қисм.  
11.00 «Давр» нигоҳи.  
11.20 «Жюли Леско». Сериал. 18-қисм.  
12.10 Мозийдан келажакка.  
12.30 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадий фильм. 1-қисм.  
14.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».  
15.00 «Қаҳқаҳа» театр студияси тақдим этади: «Иккинчи хангома».  
15.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Теннис».  
16.05 «Қаҳқаҳа» театр студияси тақдим этади: «Учинчи хангома».  
16.30 «Учинчи сайёра маърифий дастури».  
17.20 Кўрсатувлар дастури.  
17.25 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Футбол плюс.  
18.10 Саломатлик сирлари.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Бизнес-академия.  
20.00 Ёшлик кўшиқдари.  
20.15 «Давр»-репортаж.  
20.25 «Қутилмаган мехмон».  
20.45, 21.45, 22.35 ЭЪЛОНЛАР

лида спорт: «Ринг қироллари».  
15.00 «Қаҳқаҳа» театр студияси тақдим этади: «Иккинчи хангома».  
15.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Теннис».  
16.05 «Қаҳқаҳа» театр студияси тақдим этади: «Учинчи хангома».  
16.30 «Учинчи сайёра маърифий дастури».  
17.20 Кўрсатувлар дастури.  
17.25 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Футбол плюс.  
18.10 Саломатлик сирлари.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Бизнес-академия.  
20.00 Ёшлик кўшиқдари.  
20.15 «Давр»-репортаж.  
20.25 «Қутилмаган мехмон».  
20.45, 21.45, 22.35 ЭЪЛОНЛАР

20.50 «Остона». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 Тунги тароналар  
22.55 Кинотақдим.  
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Узуклар ҳукмдори». Бадий фильм 1-қисм.  
0.45-0.50 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчархпалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.10, 19.40, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.30 Афиша.  
18.50 Муסיқий лаҳзалар.  
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус).  
19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақаддам».  
20.00 «Табриклиймиз-қутлаймиз».  
20.45 «Долзарб мавзу».  
21.00 «Пойтахт».

Шанбадан-шанбагача.  
21.20 «Мисли гавҳар».  
21.55 Кинонигоҳ. «Чайқовчи».  
23.55-0.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да муסיқа».  
9.10 «Мультсеанс».  
9.25 «Икки рояль».  
10.10 «Лаззат».  
10.30 «Табиатшунос билан саёҳат».  
11.00 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
11.35 «7 дан 70 гача».  
12.25 Болалар соати: «Буратино». Бадий фильм. 1-қисм.  
13.25-14.25 «Дўстлик» видеоканали: «Бизнен мирас», «Чинсэн», «Немис шарҳи».  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Ассалом, Франция!»  
17.15 «Дурдаршан».  
17.40 «Виртуал олам».  
17.50 Мультфильм.  
18.15 «Ҳазил кетидан

ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
18.45 «Ким миллионер бўлишни истайди». Байрам сони.  
19.45 А. Пугачева, Л. Лешенко, «Любэ» гуруҳи, Л. Дербенев хотирасига бағишланган концерт дастурида.  
21.00 «Время».  
21.30 Концерт (давони)  
Тунги канал: «Ҳали кеч эмас»:  
23.50 «Шлягер».  
0.05 «Т. Полонская билан бирга».  
0.25 «Услуб».  
0.40 Ахборот (рус тилида)  
1.10 «Спорт технологияси».  
1.20 «Яшаш муҳити».  
1.35 «Бешинчи гилдирак».  
1.50 «Тунги навбатчилик».  
2.05 «Муз zone».  
2.15 «Австограда».  
2.25 Киносеанс: «Илхом париси». Бадий фильм.  
3.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Yakshanba

12

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.40 «Ахборот».  
8.40 «Камалак».  
Болалар учун кинодастур.  
9.20 «Фаройибот».  
9.40 «Дутор, танбур тароналари».  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 «Шукре ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 14-15 қисмлар.  
12.00 Телевизион миниатюралар театри.  
12.30 «Кувноқ старлар». Телемусобақа.  
13.00 ТВ-1 кинотеатри: «Пилигрим кемасининг капитани».

Бадий фильм.  
14.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
15.30 «Қалб гавҳари».  
15.50 Муסיқий танаффус.  
16.05 «Қорақалпоқнома».  
16.35 ТВ анонс.  
Кишки таътил кунларида «Болалар сайёраси»:  
16.40 1. «Бешбармоқ».  
2. «Олтин тож».  
Телевизион ўйин.  
17.40 «Талабалик йилларим».  
18.00 ТВ клип.  
18.05 «Жиз-биз». Ҳажвий хангома.  
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».  
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.  
19.15 «Бир жуфт кўшиқ».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус

тилида)  
20.05 Эстрада тароналари.  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 «Осори-атиқаларимиз».  
21.35 «Спорт олами».  
22.05 «Янги йил базми».  
Якшанба кинозали:  
23.35 «Ўпқон». Бадий фильм. 2-қисм.  
0.45-0.50 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».  
9.20 «Мульттомоша».  
9.35 Футбол-плюс.  
9.55 «Давр»-репортаж.  
10.05 Муסיқий лаҳзалар.  
10.20 ТВ-анонс.  
10.25 Очил дастурхон.  
10.40 Лабиринт.  
11.05 Чемпион сирлари.  
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».  
1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.  
12.05 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадий фильм. 2-қисм.  
13.35 Дунё ажойиботлари.  
13.55 Ёшлар оқшони (такрор.)  
14.55 «Остона». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
15.50 Ёшлар оқшони.  
16.50 Кишлоқдаги тенгдошим.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
17.40 «Мульттомоша».  
17.55 ТВ-анонс.  
18.00 Спорт ҳафтанома-си.  
18.15 Очун.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.

лида Ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.  
12.05 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадий фильм. 2-қисм.  
13.35 Дунё ажойиботлари.  
13.55 Ёшлар оқшони (такрор.)  
14.55 «Остона». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
15.50 Ёшлар оқшони.  
16.50 Кишлоқдаги тенгдошим.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
17.40 «Мульттомоша».  
17.55 ТВ-анонс.  
18.00 Спорт ҳафтанома-си.  
18.15 Очун.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр»-news.  
19.20 ТВ-анонс.  
19.25 Сифдош.  
19.55 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.15 Зинама-зина.  
20.45, 21.40, 22.30 ЭЪЛОНЛАР  
20.50 «Остона». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр ҳафта ичиди».  
22.35 ТВ-анонс.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Узуклар ҳукмдори». Бадий фильм. 2-қисм.  
0.20-0.25 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».  
19.00, 20.40, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 Жаҳон география-

си».  
19.50 «Телефакт».  
20.00 «Табриклиймиз-қутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.25 «Ханда дўқони».  
22.15 Кинонигоҳ. «Рицарь қиличи».  
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да муסיқа».  
9.10 «Мультсеанс».  
9.25 «Кулгу хонаси».  
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган кайдлари».  
10.30 «Ҳамма уйдалигида».  
11.05 «Мазохўрақлар».  
11.50 «Кайфият».  
Информацион дам олиш дастури.  
13.20 «Парле ву франсе?»  
13.45 «Фан-тайм».  
13.55 «Хусусийлашти-

риш: кадам-бақаддам».  
14.15 «Инглиз тили Сиз учун».  
14.40-16.00 «Дўстлик» видеоканали: «Дюндар», «Маврид», «Рангинкамон», «Корейс тилини ўрганамиз».  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Бинафша».  
17.20 «Соккер клуб».  
17.40 «Сирасини айтганда». Ток шоу.  
18.20 Премьера. «Қийиқ кўзгу». Е. Петросян иштирокидаги Ҳажвий кўрсатув.  
20.50 «Юрск даври боғи». Бадий фильм. Режиссер С. Спилберг.  
23.10 «Тенгдошлар».  
23.40 «Кинопрофи».  
24.00 «Тахлилнома» (рус тилида)  
0.40 Тунингиз осуда бўлсин!



# УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

**Мустақиллик майдонида метродан чиқиб, зиналордан юқори кўтарилдим. Одатим шундай, майдонга қадам қўйишим билан олдинда бораётган одамлар оралаб назар ташлайман. Ана, йигирма одамлар нарида одатдагидек, жигарронг портфелини қўлтиқлаб, қорли йўлда тийғана-тийғано Исмоилжон ака бораптилар.**

Илдамлаб, етиб бораманда охира кўлтиқларидан оламан. У киши аста ўтирилади. Кўзларида илик бир жилва ўйнайди.

— Келаяспизми, ука?

Саломлашиб, газета биносининг бурчагигача қўлтиқлашиб келамиз. Ажралишгимиз келмайди. Йўл устида тўхтаимиз, дилкаш суҳбатимиз чўзилиб кетади...

Ниҳоят, Исмоилжон ака:

— Иш ҳам кутиб қолмасин, ука, — дейдилар.

Етмишинчи йилларнинг ўрталари эди. «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони») тахририятига Сариосиёдан бир мактуб келди. Туман газетасидаги фелъетони учун журналистни ишдан ҳайдашган экан. Шикоят хатини ўрганишни менга топширишди. Бориб иш бошладим. Ижодкорлар, фаоллар, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, масаланинг моҳиятини ойдинлаштириб юрсам, туман газетасидаги суҳбат якунида ҳамкасбларим:

— Сиз бунчалик кўйиб-пишиб, ўзингизча муаммони ойдинлаштирмайсиз, — дейишди. — Лекин, ҳамма ҳаракатларингиз оқибатсиз қолиб кетади. Қўйиш-қўнжигизни шунчалик тўлдириб юборишадик, жимгина кетаверасиз.

Текширув якунланган куни туманнинг биринчи раҳбарига хулосаларимни айтдим. Бир пайт биринчи котибнинг ўтиришига эътибор бериб қолдим. Кўзлари

хонанинг у томонидаги катта дераза орқали олис-олисларга қадалган, хаёлчан. Беихтиёр ҳамкасбларимнинг гапларини эсладим. «Тошкентда кимга мурожаат қилиб, мақолани чиқартирмасликни ўйлаяпти», — хаёлимдан ўтказдим мен. Шундай ҳам бўлди. Журналистик суруштирувларим асосида ёзган «Фелъетончини нега жазолашди?» сарлавҳали мақолам ҳа деганда газетамизда чиқавермади. Сариосиёлик ҳамкасбларнинг гаплари эса ҳар он қулоқларим остида ҳасратли, таънали жаранглашини қўймайди. Охири бўлим мудиримиз Муроджон Мансуровнинг рухсатини сўраб, мақола гранкасини кўтарганимча ўша

кезлари «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталари бош муҳаррири Исмоил Сулаймоновнинг ҳузурларига кирдим. У киши воқеани батафсил эшитди, мақолани эътибор бериб ўқиб чиқди.

— Шундайки, — дедим унга. — Шу мақолани бирон нашрда эълон қила олмасан, сариосиёлик ҳамкасбларим олдида юзим бир умр шувит бўлиб қолади. Гўёки, туман раҳбарлари менинг «қўнглимни олиб» тинчтишган бўлиб қақди.

Исмоилжон ака:

— Бундай мақолани албатта эълон қиламиз, — деб мени ишонтириб хайрлашди.

Исмоил Сулаймонов ана шундай қатъиятли, иродали, лекин, чуқур андишали раҳбар эди.

Ҳақиқатдан ҳам ўша даврда Исмоилжон аканинг ўзбек матбуотида ўз ўрни, мавқеи, овози, қалами бор эди. Устоз Ўзбекистонда илк дафъа ўзбек ва рус тилларида республика газеталарини ташкил этди,

турли миллат фарзандлари бўлган ижодкорларни ягона жамоага қовуштириб, кўп йиллар унга муваффақият билан раҳбарлик қилди.

Устоз истеъдодли журналистларни алоҳида ардоқларди. Улар қайси тахририятда ишлашмасин, байрамдами, туғилган кунидами, унутмас, ҳеч қутилмаганда эшикни очиб, кириб келар, бағрига босиб қутларди. У кишининг самимияти, у кишининг меҳр-оқибати, у кишининг касбга ва дўстларга садоқати фақат ўзига хос, бетакрор эди. Гоҳи қоқилган ижодкорларни қидириб топиб, кўнгли сўрар, далда берар, ўрни келса, йўл-йўриқ, маслаҳат кўрсатарди. Исмоил Сулаймонов «Тошкент ҳақиқати» газетаси тахририятида кўп йил қизгин ижод билан шуғулланди. Оддий ходимликдан муҳаррир ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди, кейин «Сирдарё ҳақиқати» газетаси жамоасини бошқарди.

Мустақиллик йиллари устознинг ижоди янги қирралари билан намоён бўлди. У киши мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлардан ижодий завқ олар, гоҳ кезлари бугунги эркин ҳаётимизга доғ бўлиб тушаётган баъзи жиҳатларни армон билан тилга оларди. Шу йилларда устознинг «Шаҳзода ва канизак» қиссаси, «Мен — журналистман», «Кексалар ардоқда» публицистик китоблари чоп этилди.

... Метродан кенг майдонга чиқаман, лекин олдинда одамлар орасида устознинг таниш қиёфасини энди тополмайман. Дарахтзор йўлка орқали бораётиб, беихтиёр ўнгу сўлга қараб қўяман. Гўёки Исмоилжон ака ёнимдадек. Аслида ҳам шундай. Устоз ўз ўнгилари, амалий ишию, ижоди, интилишлари билан ҳаммаша ёнимизда, ёдимизда...

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон**  
**Республикасида хизмат**  
**кўрсатган журналист.**



СУРАТДА: Исмоил Сулаймонов ҳамкасблари билан. (1999 йил олинган сурат).

## «Памплонга — 2002»

### РУСТАМНИНГ ТУҲФАСИ

2002 йилда мамлакатимиз шахматчилари кўплаб нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. Эришилган бу галабаларга ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Кўни кеча ҳамюртимиз яна бир турнирда муваффақият қозонди.



Рустамнинг акаси Хуршид Қосимжоновнинг ЎЗА муҳбирига маълум қилишича, охириги олти ой давомида мусобақаларда муваффақиятли қатнашган тўрт нафар шахмат устаси Испаниянинг Памплонга шаҳрига таклиф этилган. «Памплонга-2002» турнирида ҳамюртимиз Р.Қосимжоновдан ташқари, Молдовадан Игор Бологан, Македониядан Иван Соколов ҳамда мезбонлардан Поно Валехо дона сурган.

Ўзаро беллашувларда рақибларини ортда қолдирган Р.Қосимжонов ва И.Бологан голиблик учун икки учрашув ўтказди. Хар икки баҳсда ўзбек шахматчисининг қўли устун келди ва турнир голиби бўлди.

Умуман олганда, якунланган йил иқтидорли шахматчимиз учун муваффақиятли келди. Айниқса, Рустамнинг октябрь ойида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлган жаҳон кубогига мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаши ёш шахматчимизнинг келажаги порлоқ эканлигидан далолатдир.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
**ЎЗА муҳбири.**

**Огоҳлик — маҳаллада кўни-кўшни, ошна-оғайни ва биродарларнинг бир-бирларига бўлган эътиборидан, оилада, маҳалла-кўйда кишиларнинг оқибатидан, бир-бирларининг ҳола-аҳволидан хабардорлигидан бошланади.**

Шу боис ҳам милициянинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Республика ички ишлар идораларида ислохотлар ўтказилмоқда. Жумладан, эндиликда участка нозирлари ўрнига профилактика инспекторлари хизмат қилаётир. Жойларда эса, милиция таянч пунктлари тармоқлари кенгайиб бормоқда.

Бука тумани, Чигатой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига жойлашган 94-милиция таянч пункти яқиндагина фойдаланишга топширилди. Шинамгина бу бино фуқаролар билан учрашув ўтказиладиган, яраштирув комиссияси аъзолари, фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори ва маҳалла посбонларининг хоналаридан иборат бўлиб, ҳовлисида спорт майдончаси ҳам мавжуд.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва жиноятларни фож этишда маҳалла посбонларнинг кўмаклари шу тариқа катта бўлаяпти. Шу боис, маҳаллада тез-тез жанжаллашиб турадиган, кўни-кўшнининг тинчини бузадиган оилаларни деярли учратмайси. Профилактика инспектори ва маҳалла посбонлари хонада ўтиришни унча хуш кўришмайди. Кўпинча маҳалла айланиб юришади. Жиноят қилишга мойил ва илгари судланган шахслар билан суҳбат олиб боришади. Ил-

## ЖАМОАТЧИЛИК МАДАДИГА ТАЯНИБ



гари судланган Қ. Юсуф ва Б. Ахрорлар маҳалла кўмитаси билан маслаҳатлашиб, ишга жойлаштирилди.

Вилоятимизда маҳалла посбонларининг 756 та жамоат тузилмалари мавжуд. Уларда 2881 посбон профилактика инспекторлари билан ёнма-ён хизмат қилмоқда. Ўтган йили улар ёрдамида 496 та жиноят фож этилди. Шунингдек, 1832 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шу муддатда вилоятнинг 131 та маҳалласида ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Натижада, фуқаролар йиғини ва маҳалла ички ишлар идоралари 12 та маҳалла посбонини тақдирладилар.

Бекобод шаҳри С. Раҳимов номли маҳалласида жойлашган 33-милиция таянч пунктининг ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

«Ўзметкомбинат» бош директори Олий Мажлис депутати А. Фармонов, Бекобод шаҳар кенгаши депутатлари Б. Сангилов, Я. Ирستمов, А. Таштемировлар тунги гуруҳлар ташкил этиб, «Ўзметкомбинат» томонидан ажратилган автотранспортда мунтазам равишда рейдлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратишяпти.

## Таянч пунктлари

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳузурда фаолият кўрсатаётган 502 та яраштирув комиссияси билан ички ишлар ходимлари доимий алоқада ишлашмоқда. Оилалар, кўни-кўшнилари, қавму-қариндошлар тинч-тотув яшашлари учун ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Баъзи бир можаролар биргаликда бартараф этиляпти. Ажралиб кетиш эҳтимоли бўлган 703 та оила яраштириб қўйилди. 1026 тартиббузар оила вакили инсофга чақирилиб, нотинчликка барҳам берилди.

Вилоятда профилактика инспекторлари жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар билан ишлашни тобора яхшиламоқдалар. Ёрдам сўраб профилактика инспекторига мурожаат этган 845 киши ишга жойлаштирилди. 1205 нафар шундай кишига эса, фуқаролар йиғини ва ижтимоий кўникама марказлари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Бир-бирдан хабар олмоқ, имкон қадар ўзаро ёрдамлашмоқ ҳар кимнинг бурчига айланмоғи даркор. Биргина эътибор туйфайли каттароқ бир кўнгилсизликнинг келиб чиқиши барҳам топади, низолар ечилади. Дарҳақиқат, оила, кўни-кўшни тотув яшаса, маҳалла тинч бўлади. Бунда эса, милиция билан жамоат тузилмалари ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёсдир.

**Шерали АНВАРОВ,**  
**Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот маркази**

## Марказий Осиёда электр энергияси савдоси қўллаб-қувватланмоқда

**Осиё тараққиёт банки Марказий Осиёда электр энергияси узатиш тармоғи самарадорлиги ҳамда тезкор ишини яхшилаш учун 90 миллион АҚШ доллари микдорида Ўзбекистон ва Тожикистонга қарз берилишини маъқуллади.**

Электр энергияси узатишни модернизация қилиш бўйича мазкур минтақавий лойиҳа электр энергияси савдосини ривожлантиришга ҳамда бу борада Марказий Осиё республикаларининг самарали ҳамкорлигини кучайтиришга кўмаклашади, шунингдек улгуржи энергия бозорини шакллантириш томон ташланган дастлабки қадам ҳисобланади.

Ўзбекистонга ажратилган қарз 70 миллион АҚШ доллари тенг. Бу қарз Осиё тараққиёт банкининг одатий капитал ресурслари маблағидан таъминланди. Қарзни узиш муддати - 25 йил, шу жумладан беш йили имтиёзли давр.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки ҳам 49 миллион АҚШ доллари микдорида қўшимча молиялаштириш амалга оширади. Ижрочи агент ҳисобланган «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси 29 миллион АҚШ доллари микдорида молиялайди.

АҚШнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги электр энергияси савдоси бўйича икки томонлама битимнинг бажарилишига қаратилган техник ёрдам кўрсатади. Лойиҳани 2006 йил июнь ойининг охирида якунлаш кўзда тутилган.

**Жамшид РАУПОВ,**  
**ЎЗА муҳбири.**



# XIII asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## ШАМПАН ВИНОСИ САВДОСИ КЕНГАЙМОҚДА

Бутун дунё бўйлаб янги йил шодийналари давом этмоқда. Жаҳон халқларининг севимли байрами бўлмиш Янги йилни ҳар бир халқ ўзига хос тарзда кутиб олади. Бироқ барча мамлакатларда бирдек кузатилган воқеа шу бўлдики, аксарият одамлар 2003 йилга шампан виноси ҳамроҳлигида кириб борди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2002 йилда жаҳонда умумий ҳисобда 285 миллион дона шампан виноси сотилган. Буюк Британияда ушбу вино истеъмоли 25 фоизга, АҚШда 30, Францияда эса 14 фоизга кўпайган. Одамлар бошқа спиртли ичимликларга нисбатан шампан виносини маъқул кўрмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, вино савдоси иқтисодий юксалиш ёки инқироз даврларига боғлиқ. Давлатларда иқтисодиёт ижобий ривожланса, винони пуллаш осон бўлади. Айниқса, байрамлар арафасида шампанга талаб ортади.

## Шарҳловчи минбари

### АҚШ:

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА ЯНГИ НОМЗОДЛАР

**АҚШда президент сайлови ҳар гал катта шов-шувлар билан ўтган. Тўла демократик шароитда ўтадиган бу сиёсий тадбирни нафақат, мамлакат аҳли, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам зўр қизиқиш билан кузатади.**

Зеро, АҚШда сайловлар ошкора, ҳаққоний ўтиши билан бирга, янги президентнинг сиёсат майдонига чиқиши халқаро миқёсда ҳам муайян таъсирга эга. Бинобарин, сайловолди пойгаси, тайёргарлик тадбирлари ҳам шунга яраша бўлади.

Келаси йили АҚШда навбатдаги президент сайлови бўлиб ўтади. Оқ уйнинг навбатдаги соҳиби бир йилдан кейин маълум бўлса-да, Вашингтонга умид кўзи билан қараётганлар ҳозирданок кўрина бошлади. Ана шундай номзодларнинг бири демократлар вакили, Шимолий Каролина штатидан 49 ёшли сенатор Жон Эдвардсдир. Кун кеча у АҚШ президенти – республикачи Жорж Буш ўрнини эгаллашга умиди борлигини маълум қилди. Бунгача, Вермонт губернатори Говард Дин ва Массачусетс штатидан сенатор Жон Керри ҳам президентлик курсисига даъвогар эканини эълон қилган эди.

Умуман, АҚШ сайловларида асосий кураш ҳар доим икки партия – демократлар билан республикачилар ўртасида кечган. Оқ уйга ҳам вақти-вақти билан гоҳ республикачилар, гоҳ демократлар эгалик қилган.

Масалан, мамлакатнинг аввалги президенти Билл Клинтон демократлар вакили бўлган бўлса, ҳозирги президент Жорж Буш республикачилар вакили ҳисобланади.

Бу гал республикачиларга "даъвогарлик кўлқопи"ни дастлаб мамлакатнинг собиқ Вице-президенти Альберт Гор ташлаган эди. Сирасини айтганда, шу вақтгача янги президентлик даъвогарига энг ишонарли даъвогар ҳам А.Гор ҳисобланаётганди. Бироқ у ўтган йили бу режасидан қайтган, кузатувчилар қайси номзоднинг имконияти кўпроқ, деган саволга жавоб топа олмай ҳалак. Устига-устак, сенаторлар Томас Дэшл, Жозеф Либерман, Роберт Грэм ҳамда яна бир қатор сиёсатчилар ҳам ўзларини номзодлар рўйхатига киритишни мўлжалламоқда. Демократлар эса ўз номзодини 2004 йил ёзда бўлиб ўтадиган партиянинг миллий курултойида расман эълон қилади.

Ҳозирча сенатор Жон Эдвардс сайловчиларнинг кайфиятини ўрганиш ҳамда сайловолди дастурини тузиб чиқиш учун ишни партиядошлари каби мамлакат бўйлаб сафарга чиқишдан бошламоқчи. Хабарларга қараганда, Ж.Эдвардснинг сайловолди шиори оддий америкаликларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Аслида, Ж.Эдвардснинг жамиятдаги ўрни оддий америкаликлардан анча юқори туради. Унинг бойлиги 14 миллион долларга тенг. Шундай бўлса-да, янги номзод ўзини оддий америкаликлар қаторида кўрмоқда. Чунки, бир вақтлар унинг отаси тўқимачилик фабрикасида оддий ишчи бўлган экан. Шу боис ҳам Ж.Эдвардс оддий одамларнинг муаммолари ўзига кундай равшанлигини таъкидламоқда. Хулоса шуки, барча мамлакатлардагидек, АҚШда ҳам сайловчиларнинг аксарият қисми оддий меҳнаткашлар экани ҳисобга олинса, сенатор Ж.Эдвардс ўзининг сайловолди стратегиясини тўғри ташкил қилаётганига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Натижа эса келаси йил ўтадиган сайловдан кейин аниқ бўлади.

**Сайдмурод РАХИМОВ,  
ЎзА шарҳловчиси.**

### СОМАЛИ:

## МАКТАБЛАР ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

Яқинда Сомалида юз берган кўпорувчилик туфайли беш нафар мактаб ўқувчиси ҳалок бўлган эди. Бу мудҳиш ҳодиса одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Натижада мамлакат пойтахтидаги барча мактаблар ёпиб қўйилди.

Ўтган сешанба кuni бир гуруҳ қуролланган шахслар мактаб ўқувчилари автобусини ўққа тутди. Қурбонлар орасида ўқувчиларнинг икки нафар кузатувчиси ҳам бўлган. Болалар орасида жароҳатланганлар ҳам анчагина.

Мамлакатнинг ўтиш давридаги раҳбари Абдуқосим Салад Ҳасан содир этилган ушбу жиноятни кескин қоралаб, уни «Сомалидаги махсус кўпорувчилик ҳаракати» деб баҳолади.

Ўн йилдирки, Сомали беқарорлиқни бошдан кечирмоқда. Натижада мамлакат ўнта мухтор туманга бўлиниб кетди. Ҳар бир туманда қуролланган гуруҳлар тузилиб, ўзларига тегишли ҳудудни назорат қилмоқда. 2000 йил эса мамлакатда муваққат ҳукумат тузилди. Таассуфки, бу ҳукумат ҳам мамлакатдаги беқарорликка бутунлай барҳам бера олмаяпти.

### ХИНДИСТОН:

## АЁЛЛАРНИНГ МАХСУС ТРАНСПОРТИ

Хиндистонда аёллар учун алоҳида автобуслар чиқарила бошланди. Фақат хотин-қизларга мўлжалланган махсус транспорт воситалари янги йилда ажойиб совға бўлди.

Аёллар транспортини йўлга қўйишдан мақсад - уларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Гап шундаки, Деҳли аёлларининг кўпчилиги жамоат автобусига чиқишдан кўрқар экан. Бу кўрқув бежиз эмас. Аксарият ҳолларда чўнтаккесару маст-аласт шилқимлар йўлда кетаётган аёлларга тинчлик бермайди.

Деҳли мамлакат пойтахти бўлишига қарамай, унда деярли ҳар кун куллаб тартиббузарликлар рўй беради. Полиция қанчалик кескин чоралар кўрмасин, безориликлар камайгани йўқ.

Маҳаллий газеталарда кунора автобуслардаги қотиллик ёки бошқа жиноятлар ҳақида хабар берилади. Янги транспорт воситаси орқали ҳукумат мазкур муаммага чек қўймоқчи.



## ОЙГА МАХСУС РОБОТ



Инсониятнинг ойга буюрган ташрифига ўттиз йил тўлди. Ўттиз йил аввал америкалик фазогирлар Ер йўлдошини 75 соатга яқин вақт мобайнида ўрганди. Бу инсоният тарихида ҳали қайд этилмаган муҳим воқеа эди.

Олимлар Ернинг йўлдошида тадқиқот ўтказиш жуда муҳим вазифалардан бири эканлигини кўп бор таъкидлайди. Дарҳақиқат, ойда тадқиқот олиб бориш имконияти ҳали чекланган.

Инсоннинг Ойга қадам қўйиши само билан боғлиқ кўплаб янгиликларни очишга имкон яратди. Тадқиқотчилар, Марс сайёраси ўлчамидаги самовий жисмнинг Ер билан тўқнашиши натижасида Ой пайдо бўлган, деган тахминни илгари сурди.

Шу давргача 12 нафар тадқиқотчи Ойга қадам қўйган. Энди эса соҳа мутахассислари Ойга махсус "робот" учирлини режалаштирмоқда. Бироқ, охириги экспедиция раҳбари Жин Чернан олимларнинг бу борадаги режаларидан норозилигини яширмаяпти. Гарчи робот ишни осонлаштира-да, лекин охириги қарорни барибир инсон ҳал қилади, чунки техника ўйлашни билмайди, дейди Ж.Чернан.

## ШАҲАРЧАГА ХАРИДОР БОРМИ?



Жаҳон кўчмас мулк савдоси тарихида илк бор шаҳарча савдога қўйилди. АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган Брижвилл шаҳарчаси интернет кимошди савдосига киритилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, тарихда ҳали бундай савдо кузатилган эмас.

1791801094 рақами билан қайд этилган шаҳарча бутунлай сотилмайди. Ҳудуднинг 82 гектари хусусий шахс қўлига ўтиши мумкин. Унда боғлардан ташқари, ўнта уй ва тўртта чайла ва почта бор.

Афсуски, уйларнинг аҳволи биров хароброқ. Шу сабабли харидорлар шаҳарчани сотиб олишдан чўчиб турибди. Ўнта уйни таъмирдан чиқариш катта маблағни талаб қилади.

## ХОСИЯТСИЗ ХОНАДОН



Саратов шаҳридаги кутқариш-излаш гуруҳи аъзолари ғаройиб ҳодисага дуч келдилар. Хонадонлардан бирида сирли ҳолатларда ёнгин содир бўлган. Аввалига ошхонада қуритишга қўйилган чойшаб, газ плитаси ўчириб қўйилганига қарамай, ёниб кетган. Кейин эса, тун ярмидан ўтганида, кийим-кечаклар жавонида ёнгин бошланган, оқибатда куртка, пўстин, телпака шикаст етган. Шундан кейин хосиятсиз хонадонда кутқарувчилар навбатчилик ўрнатишга қарор қилганлар. Ёнгин чиқиши тўхтаган, балки бегона одамлар бўлгани учун полтергейст қилиқларини тўхтатгандир? Бу хонадон эгалари эса, уйда яқиндан бошлаб турли ғайритабиий ҳодисалар рўй бераётганидан, чунончи лампалар бир варакайга қуйиб қолишидан, гоҳида электр анжомлари ишдан чиқиб туришидан нолиб гапирдилар, деб ёзади «Труд» газетаси.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



## ГАЛЕРЕЯНИНГ АСОСЧИСИ

Тошкентдаги замонавий санъат марказида Третьяков галереясининг асосчиси Павел Третьяковнинг 170 йиллигига бағишланган бадий кўргазма очилди.

Галереяни шакллантириш 1850 йилда бошланган. Уша пайдан Павел Третьяков ўз олдига рус бадий мактабини ташкил этишни мақсад қилиб қўйди. Третьяков гарчи махсус маълумотга эга бўлмасда, истеъдодли рассомларни тезда пайқаб, уларга ёрдам

кўрсатди, асарларини сотиб олди. Шу боис унинг галереяси тасодифан пайдо бўлмади. У юксак билим, дид ва ўз ишини ниҳоятда севиш оқибатида дунёга келди.

Павел Третьяков ҳаётлик пайтида ўз галереясини уч марта кенгайттирди. 1892 йил август-

## Кўргазма

да у барча бадий дурдоналарни Москвага ҳадя қилди. Галереяни шахарга топшириш пайтида унинг коллекциясида 1276 та сурат, 471 та расм ва рус усталарининг 9 та ҳайкали бор эди.

Айни пайтда ушбу галереяга ҳар йили 1,5 миллион одам ташриф буюради. Музейда 200 мингга яқин экспонат бўлиб, улар орасидан ўзбек рассомларининг ишлари ҳам ўрин олган.

«Туркистон-пресс».

## SHAMOL

Shamol guvillar bejo,  
Bog'lar shovillar bejo,  
Barglar shivirlar bejo,  
Ne xabar keltirmoqchi?!

Dardini aytolmas hech,  
Yo xatga bitolmas hech,

## Bolalik bog'i

Ortiga qaytolmas hech,  
Yoxud uyga kirmoqchi!

Tun bo'yi nola qltib,  
Tongda uxlatib tolib,

Tushida tilga kirib,  
Shamol ham gapirmoqchi.  
Barot ISROIL.

## Фан оламида

### Экологик тоза услуб

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология илмий-тадқиқот институти олимлари ош лавлаги ва қанд лавлаги уруғларига ишлов бериш, тупроқда уларнинг ҳосилдорлигини оширувчи микробиологик жараёнларни тартибга солиш бўйича усулларни ишлаб чиқди ҳамда тавсия этди.

Масалан, сабзавотлар уруғларига биопрепаратлар билан ишлов беришда кимёвий минерал ва бошқа моддалар ўрнига бактериал ҳамда биологик ўғитлар қўшилди.

Шуни таъкидлаш керакки, кишлоқ хўжалигида экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқишда химоя воситалари ва ўғитларни қўллаш катта аҳамиятга эгадир. Нотўғри, баъзида эса маълум даражада кўп микродорда қўшилаётган кимёвий пестицидлар, заҳарли дорилар ва ўғитлар тупроқ ҳамда маҳсулотда заҳарли қолдиқларнинг тўпланиб қолиши, шу билан бирга атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Экологик жиҳатдан тоза кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ўсимликларни биологик ва микробиологик химоя қилиш воситалари жуда муҳимдир. Уларнинг қўлланилиши нафақат касалликлар ва зараркунандаларнинг биотик имкониятларини пасайтиради, балки тупроқнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмини намоён этиш учун муҳит яратеди.

Ушбу усуллардан кўп йиллар мобайнида фойдаланиш натижасида юқори ҳамда экологик тоза ош лавлаги ва қанд лавлаги ҳосили олишга эришилди, тупроқ ва унинг унумдорлигининг экологик аҳволи анча яхшиланди, унинг таркибиде нитратлар, тупроқ фитопатогенлар камайиб, ўсимликларнинг азот-фосфор билан озикланиши яхшиланди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Шорасул томорқасидаги дов-дарахтларга шакл бериш ниятида қайчи ва болтани кўтариб чархча борди. У ерда маҳалладоши Мамарайим уч кишининг оғзини ланг очиб суҳбатга ўт қалаётган экан. Шорасулга кўзи тушган, саломни ҳам насия қилиб, гинахонликка ўтди:

— Э, ошна, бормисиз ўзи, кўринмайсиз. Шахардан «дом» олиб кўчиб кетмадингизми, дейман. — Қанақа «дом»? — ҳайрон бўлди Шорасул маҳалладошлари билан сўрашар экан. — Ҳозирча отамиздан қолган ҳовлида ўтирибмиз. Шахардан уй сотиб олишга зарурат йўқ. Болалар шаҳардаги ўқишларини тугатиб, ишлаб юришибди.

— Ҳа, энди соғинганимиздан айтдикда. — Мамарайим ёйилиб куларкан, гапни гапга улади. — Зиёли одам, қайчи, болта кўтариб юрибсиз, сизга ярашмас экан. Томорқада иш бўлса, мана, мен бор. Уч-тўрт сўм чойчақа дегандай...

— Раҳмат, — деди Шорасул самимият билан. — Томорқадаги иш ўзимдан ортмайди. Дам олиш кунда озроқ қимирлаб туриш ҳам фойдали.

— Ана холос, — энсаси қотди Мамарайимнинг. — Озиб-ёзиб бир қарашворай десам, сиз ноз қилдингизми? Мен ҳар кимга эгилиб, томорқангизда ишлай деб ўлиб турганим йўқ. Бир кўнгил чопди-да, оғайни.

— Майли, ундай бўлса юринг, бирга ишлаймиз. — Ноилож рози бўлди Шорасул. — Ҳар ҳолда икковлашиб анча юмушни уддалаб кўямиз.

Кун бўйи Шорасулнинг кўли тинмади, Мамарайимнинг оғзи. Ишининг унуми бўлмади. Шорасулнинг кулоғи қоматга келди. Ортиқча гаплардан обдон толиқди. Қани энди тезроқ кеч бўла қолса...

Кечки овқатдан сўнг Мамарайим меҳнат ҳақини эринмай санаб чўнтагига соларкан, тортинган бўлиб деди:

— Шу десангиз ўртоқ, бу йил болаларнинг деҳқончилиги яхши бўлмади. Бир маҳалларнинг одамимиз, бизда ҳам қолиб кетмас, айвонингиздаги картошқадан, пиёздан, иложи бўлса озроқ буғдойдан қарашворсангиз.

— Майли, — деди Шорасул маҳмадана маҳалладошидан тезроқ қутулиш илнжида. — Фақат буғдой беролмайман. Узр-да, уруғлик учун олиб қўйганман.

— Мен рози, буғдой ҳам бир кун бўлиб қолар, — Мамарайим аңдармон бўлиб атрофга аланглади. — Уйда иккита кўзича бор. Тўрт-беш кундан буён оч қолиб, маъраб жонга тегяпти. Анави босиб қўйилган ерэнгоқлоядан тўрт-беш боғ олишса, қулоғимиз тинчир эди.

— Олиб кетаверишин.

— Ҳа, айтгандай, кечкиликда арава билан келишар. — Анави мол тезаги ҳовлининг кўркини бузиб турибди экан. Болалар шуни ҳам ортволишса, томорқага сочиб юборардик.

— Олишин, — Шорасул йўлақда тик турганча

тоқати тоқ бўлиб кесатди. — Бу нарсаларни болалар аравада олиб кетишолмас, каттароқ бир улов жўнатсангиз, дурустмикан.

— Буёғидан сираям ташвиш тортманг, биродар. Бизда ўша арава ҳам йўқ. Қўшнимнинг от-аравасини сўрайман. Болалар ухламай, тунда ташиб олишади.

Шорасул маҳалладошини оғриниб кузатди. Уйга кириб, диванга бир ҳолатда чўзилди. Кун бўйи меҳнатдан чарчамади. Мамарайимнинг вайсақилигидан боши ёрилгудек оғриди. Кўзи илинди.

Бир соатлар чамаси вақт ўтмаёқ биров йўқлади. Чикса, Мамарайимнинг девдек уч ўғли от-аравада келишибди.

— Амаки, бизни отам юборди, — деди ўғиллардан тўнғичи от устида. Айвондан бир қоп картошқа, бир қоп пиёз, сўнг ўн боғ ерэнгоқ-поя оларканмиз. Мол тезагига яна келамиз.

Шорасул тилини танглайига босганча, дарвозани очди.

Мамарайимнинг ўғиллари катта холасининг чорбоғида юргандек шанғиллаб, бир-бирларига гап бермай, аравага аввал картошқа, пиёз, сўнг ерэнгоқлоя юкляшди. Иккинчи бор ярим тунга қадар мол тезагини ортишди. Уй эгаси билан эса заррача ишлари бўлмади.

Шорасул алламаҳалда ёстиққа бош қўяётиб, ўзининг ҳаддан зиёд кўнгилчанлигидан хуноби ошди. Нега, Мамарайимга «Юринг, бирга ишлаймиз», деб рози бўлганига минг бор пушаймон еди. Инсон танасига ёпишган зулук ҳам шунчалар очофатмасдир. Зулук қонга тўйса, кулга думалаб тушади. Қайта озиқ учун тиш ботирмайди. Мамарайим ҳам, болалари ҳам Шорасулнинг назарида тўймас юхо бўлиб туюлди...

Эрталаб нонуштадан сўнг, ҳаловатсизликдан гарангсиб турган уй эгасини ногоҳ таниш овоз йўқлади. Шорасул бамисоло биров бўғаетгандек дарвоза томон отилди. Эшикни очишга улгурмаёқ Мамарайим кўриниш берди:

— Ҳа, нима гап, ошна, ўз уйингизда ит қувгандек халлослаб чоляпсиз?

— Ҳўш, сизга ўзи яна нима керак? — ошкора зарда қилди Шорасул феъли айниб.

— Айтарли кўп нарса эмас, биродар, шунга шунчами, ҳар ҳолда маҳалладошимиз-а. Яна, бир кун бўлса ҳам, қарашвордим. Мушкулнингизни осон қилдим. Бу шўх болалар тушмагур тунда отга камчи босиб чоптириб, бировнинг йўлда турган уловини озроқ туртиб юборишибди. Пулдан пича қарашворасимиз, деб келган эдим...

Шорасул шу аснода бўсағада худди илон сеҳрлагандек оғзини очиб, кулоғи том битганча, ҳечвақони эшитмай қотиб турар, Мамарайим эса, тунги воқеага мослаб, гапга тўн кийдирар, унар жойдан қуруқ қайтмаслик тараддудини кўрарди...

Собиржон ИНОМОВ.

## Зулук



(Хикоя)

## Биласизми?

Тўхтамасдан бир неча километр масофага учадиган капалаклар, ниначилар, чигирткалар парвозининг тезлиги соатига 10-60 километргача етар экан.

Лочинлар, чумчуқлар ва ўрдаклар соатига 50-100 км.

гача учиб ўтадилар. Бу борада қалдирғочлар эпчилроқ бўлиб, улар соатига 200 километргача тезликда уча олар эканлар.

Японияда ин қурадиган лойхўрақлар Шарқий Австралияда кишлайдилар. Улар ҳар йили очик денгиз устидан 5 минг километрлик йўлни босиб ўтадилар.

Кушлар қандай тез учирса, балиқлар ҳам шундай тез суза оладилар. Масалан, найза балиқ соатига 80 километр тезликда суза олар экан. Зангори акуланинг сузиш тезлиги эса, соатига 70 километргача етади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТОШКЕНТДА ПРАВА

Мухассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳрирати компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.